Ўзбекистон овози

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

Рўзнома 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

№ 18 (21. 137) 1992 йил 24 январь, жума

Баҳоси 35 тийин.

ҲАММАМИЗ БИР ЁҚАДАН БОШ ЧИҚАРИБ, ЎЗБЕКИСТОНДА ОСОЙИШТАЛИК БЎЛИШИ, УНИНГ ГУЛЛАБ-ЯШНАШИ, МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ РОСТ БЎЛИШИ ЙЎЛИДА, МИЛЛАТИМИЗГА, ХАЛҚЛАРИМИЗГА СИДҚИДИЛДАН, ҲАЛОЛ, ВИЖДОНАН, БОРИНИ БАҒИШЛАБ ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН ПРЕЗИДЕНТИМИЗГА ЧИНАКАМ ҚУМАКДОШ БЎЛАЙЛИК. БУ БОРАДА БИЗ БАРЧА ПАРТИЯЛАРНИ, СИЁСИЙ КУЧЛАРНИ ҲАМКОРЛИККА, ҲАМЖИҲАТЛИККА ЧАҚИРАМИЗ.

(Ўзбекистон Халқ демократик партияси бир гуруҳ фаолларининг Мурожаатидан).

ЧИН ДИЛДАН ҚУТЛАЙМИЗ

Жаноб Ислом КАРИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти

Дўст ва қардош Ўзбекистон халқининг республика Президенти сифатида мамлакатимизга қилган ғоят самарали сафарингиздан олган илиқ таассуротларимни ёдимда сақлаш билан бирга умумхалқ сайловида кўпчилик овоз билан сайланганингизни эшитиб ниҳоятда хурсанд бўлдим.

Сизнинг сайловда ғалаба қозониб, халқ хоҳиши билан президентлик лавозимига қайта сайланишингиз Ўзбекистон халқининг соғлом ақл-ҳушини, тараққиёт ва ривожланишга қарор берганлигини ва сиздай ватанпарвар йўлбошчи раҳбарлигида қайта тикланишга жазм қилганлигини кўрсатади. Бу ҳам бизни бениҳоя севинтирди.

Мана шу ғалабангиз муносабати билан сизни самимий қутлайман.

Сиз зоти олийнинг Туркияга сафарингиз ғоят самарали бўлди ҳамда икки халқ орасидаги тарихий ва маданий алоқалар билан қардошлик туйғуларини яна ҳам кучайишини таъминлади. Эндиликда ҳар иккимизнинг вазифамиз ана шу қардошликни иқтисодий ва маданий ҳамкорлик билан кучайтиришдан ва бу соҳада мустаҳкам алоқалар ўрнатишдан иборатдир.

Туркия Жумҳуриятининг Бош вазири сифатида сизга қуйидагиларни айтишдан хурсандман: Туркияда олиб борган музокараларимиз асосида келишилган ва зиммага олинган бутун иқтисодий, маданий ҳамда сиёсий ҳамкорлик режаларимиз ва ваъдаларимиз айнан амалга оширилмоқда. Ҳар иккала мамлакат ва қардош халқ орасидаги ўзаро манфаатдорликка асосланган самарали иқтисодий ҳамкорлик сўз ва қоғозда қолиб кетишига йўл қўймай, уни тўлалигича ҳаётга татбиқ этажакмиз.

Замонавий ҳаёт тарзини юксалтириш, иқтисодий тараққиёт ва демократиялаш йўлида ўзбек халқига сиздай ватанпарвар ва ишончли давлат арбобининг раҳбар бўлиб сайланиши биз учун етарли гаров ва ишонч бахш этади.

Қардош Ўзбекистон ҳозир оғир дарддан тузалиш даврини бошидан кечирмоқда. Бундай оғир дарддан тузалишнинг хатари ҳам улкан бўлади. Дунёнинг турли мамлакатларида бундай дарддан тузалиш оғриғи баъзан қандай можароларга олиб келишини кўриб турибмиз. Мамлакатингизда тинчлик, ҳамжиҳатлик ва барқарорликни сақлаш ғоят самаралидир. Раҳбарларни ва халқни муросага келтириш, улкан ислоҳотлар ғалабаси Ўзбекистон раҳбариятининг сиёсий моҳирлигини бутун дунёга намойиш қилади. Сизнинг ғалабага интилган, бирликка таянган раҳбарлигингизда Ўзбекистон бунга эришувига чин қалбдан ишонамиз.

Туркия барқарорлик ва тараққиёт соҳасида қанчалик намуна бўлса, Ўзбекистон ҳам Ўрта Осиёда халқнинг ва раҳбариятнинг бир-бири билан келишган ва бир-бирига таянган тарзда айни шундай ўрнак бўлишига, буни сиз рўёбга чиқаришингизга ишончимиз комил. Бу соҳада Туркия қардош мамлакат сифатида имкони бўлган ҳар қандай ёрдамга тайёрдир.

Муваффақиятларингиз муносабати билан сизни яна бир бор қутлайман. Турк—ўзбек дўстлиги ҳар икки мамлакатда ва бутун дунёда тинчлик учун фойда келтиришига ишончимни изҳор этаман.

Сулаймон ДЕМИРЭЛ,
Туркия Республикасининг Бош вазири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИДА

● Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши республика комиссияси 16—17 январда Талабалар шаҳарчасида рўй берган тартибсизликларнинг сабабларини чуқур ўрганмоқда. 22 январь куни унинг навбатдаги йиғилиши бўлди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, комиссия раиси А. Муталов олиб борди. Бош вазир ана шу оммавий тартибсизликларда қаттиқ тан жароҳати олган, бир неча кун шифохонада оғир ётган қорақалпоғистонлик талаба йигит ҳам вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қилди. Унинг таклифи билан йиғилганлар марҳумнинг хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ёд этдилар.

Дастлабки маълумотларга қараганда, оммавий тартибсизликлар оқибатида Қашқадарё вилоятининг Косон районидан келган толиб билан қорақалпоғистонлик талаба — икки киши дунёдан ўтган. Ҳаммаси бўлиб 104 киши жабрланган. Шундан 94 киши шифохоналарга тушган. Ҳозир касалхоналарда 13 киши даволанмоқда. Эртаиндин улар ҳам шифо топиб чиқиб кетадилар.

Воқеалар тафсилотини батафсил ўрганиш учун комиссия аъзолари тўртта гуруҳга бўлинган ҳолда иш олиб бормоқдалар. Йиғилишда мазкур гуруҳларнинг раҳбарлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ҳамда комиссия раисининг ўринбосарлари Э. Самандаров, Б. С. Ҳамидов, Тошкент шаҳар ҳокими, комиссия раисининг ўринбосари А. И. Фозилбеков, Тошкент ҳуқуқшунослик олий билимгоҳи ректори А. Аъзамхўжаев, республика прокурори ўринбосари, комиссия аъзоси Т. Қ. Мирзаевлар ҳисобот бердилар.

Шунингдек, йиғилишда жамоатчилик, оммавий ахборот воситаларининг, олий билимгоҳларнинг вакиллари иштирок этдилар.

Комиссия аъзолари йиғилганларнинг қатор саволларига жавоб бердилар. Айрим ҳолатларга аниқликлар киритилди.

Комиссия ўз ишини давом эттирмоқда.

Т. ТОШЕВ.

СУРАТДА: қабул пайти.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзТАГ) олган сурат.

МИСР ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Миср Араб Жумҳуриятининг ҳукумат делегацияси Тошкентга расмий ташриф буюрди. Унга жумҳурият Бош вазирининг ўринбосари, режалаштириш вазири Камол Аҳмад Ал-Ганзури бошчилик қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов 23 январь куни делегация аъзоларини қабул қилди.

Меҳмонлар суҳбат чоғида эълон қилинган мустақиллик йўлидаги Ўзбекистоннинг иқтисодий, сиёсий имкониятлари билан таништирилдилар. Бой табиий-ҳом ашё имкониятларига эга бўлган Ўзбекистон ҳорижий шериклар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликка тайёрдир. Ривожланиш йўли ҳамда иқтисодий имкониятлари яхши маълум бўлган Миср ҳам бундан мустасно эмас. Ўзбекистон Миср Араб Жумҳурияти билан ўзаро манфаатли асосда турли йўналишларда муносабатларни тезда йўлга қўйишга тайёрдир. Дипломатик муносабатларни мустаҳкамлаш, қўшма корхоналар тузиш, саёҳатчиликни ривожлантириш ҳам шулар жумласига киради. Туркия билан очилган ҳаво йўлига ўхшаш Миср билан ҳам ҳаво йўли ўрнатиш, ишларни мувофиқлаштириб туриш учун элчихона ёки консулхона очиш ҳам мумкин. Мунтазам равишда ишончли ахборот алмаштириб туриш учун Тошкентда етакчи Миср рўзномаларининг мухбирлик манзилини очиш имконияти бор.

К. А. Ал-Ганзури самимий қабул учун миннатдорчилик билдирди. У Миср Араб Жумҳурияти Президенти Муҳаммад Ҳусни Муборакнинг И. А. Каримов умумхалқ сайловида республика Президенти этиб сайлангани муносабати билан табригини ва Мисрга бориш тўғрисидаги расмий таклифномани топширди. Бу таклиф миннатдорчилик билан қабул қилинди.

Миср делегациясининг бошлиғи унинг мамлакати Ўзбекистон билан қалин иқтисодий ва бошқа алоқаларни йўлга қўйишдан манфаатдор ва бунга тайёр эканини таъкидлади. Бунинг учун ҳозир барча шарт-шароит мавжуд. Расмий делегация билан бирга бизнесменлар гуруҳи келгани тасодифий эмас, улар республика вазирликлари ва идоралари билан амалий масалаларни муҳокама қила бошладилар. Суҳбатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов, давлат ташқи савдо алоқалари комитетининг раиси У. Т. Султонов, ташқи ишлар вазири У. А. Абдураззоқов қатнашдилар.

Суҳбатда Миср томонидан электрлаштириш ва энергетика вазири Моҳир Ўсмон Абаз, саноат вазири Муҳаммад Маҳмуд Абдул Ваҳоб иқтисод ва ташқи савдо вазири Юсри Али Мустафо, Миср Араб Жумҳуриятининг Россия Федерациясидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Аҳмад Моҳир ал-Саид қатнашдилар.

* * *

Шу куни делегация аъзоларини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. М. Муталов қабул қилди. Суҳбат чоғида иқтисодий ҳамкорлик ва бошқа ҳамкорлик масалаларига тўхтаб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси билан Миср Араб Жумҳурияти ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатиш тўғрисидаги қўшма ахборот имзоланди. Бу ҳужжатни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов билан Миср Араб Жумҳурияти Бош вазирининг ўринбосари, режалаштириш вазири Камол Аҳмад ал-Ганзури имзоладилар.

Республика Давлат ташқи савдо алоқалари комитетида суҳбатлар бўлиб ўтди. Делегация аъзолари авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси цехларида, Ўзбекистон енгил саноат уюшмасида, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик машинасозлиги концернида бўлдилар.

(ЎзТАГ).

СТОКГОЛЬМДАН КЕЛГАН ТЕЛЕГРАММА

Швеция ҳукумати Ўзбекистон Республикасини мустақил, истиқлол давлат сифатида расмий тан олиш тўғрисида қарор қабул қилганини Швеция ҳукумати номидан мамнуният билан хабар қилиш шарафига муяссарман.

Шу муносабат билан Швеция ҳукуматидан Ўзбекистон халқига энг яхши истаклар йўллайман. Швеция ҳукуматининг иккала мамлакат ва халқларимиз ўртасида мустаҳкам дўстона алоқаларни ривожлантириш муддаосини ҳам маълум қилишга рухсат этгайсиз.

Карл БИЛЬДТ,
Швеция бош вазири.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов номига Италия Республикасининг Президенти Франческо Коссига йўллаган табриknома келди. Унда, жумладан, бундай дейилади:

«Ҳозирги нозик ўтиш пайтида масъулиятли муносабат намоён этилиб, мустақил давлатлар ҳамдўстлиги тузилганлиги муносабати билан ўзбек халқига, бошқа мустақил республикалар халқларига ва уларнинг раҳбарларига қойил қолганлигимни билдираман, ҳамдўстлик, демократия, эркинлик, тинчлик ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг тағин ҳам юксакроқ мақсадларига эришиш сари олға боришга имкон беради, деб умид қиламан». Ўз аҳолиси кўпчилигининг иродасига мувофиқ ўзини мустақил деб эълон қилган Ўзбекистон ҳозир халқаро ҳамжамиятнинг тўла ҳуқуқли субъекти бўлиб қолганлигини таъкидлаб, Италия Президенти республика ҳукуматининг сиёсати ҳамиша барча халқаро меъёрлар ва мажбуриятларга риоя этишга асосланади, деб ишонч билдиради. Шу тариқа иккала мамлакатларимиз ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш учун шарт-шароит яратилади, бундай ҳамкорликка Италия катта аҳамият бермоқда.

Италия Республикаси ана шундай истиқболни кўзда тутиб, мустақил Ўзбекистон билан дипломатия муносабатларини ўрнатишга тайёрдир.

* * *

Афғонистон Республикасининг Тошкентдаги Бош консулхонаси Афғонистон ҳукуматининг расмий баёнотини Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига топширди. Афғонистон Республикасининг ҳукумати ўзбек халқининг ўз тақдирини ўзи белгилаш қонуний ҳуқуқи рўёбга чиққанлиги муносабати билан унга ўз эҳтиромини билдиради ва Ўзбекистон Республикасини мустақил давлат деб танийди.

* * *

Ливия Араб Социалистик Халқ Жамҳарияси раҳбари Муаммар Каддифи ҳам И. А. Каримов номига йўллаган мактубида Ўзбекистоннинг мустақилигини тан олиб, унинг халқига табриknома ва Ўзбекистон Республикаси Президентига қутловларини йўллади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЖАНОБ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВГА.

Бу кун жанобингизни сайлов натижаси, яъни Ўзбекистон Президенти лавозимига сайланганингизни билиб кўп севиндик. Оллоҳ Таоло сизга ва Туркистон халқига муборак этсин. Сиз бундан тўрт ой илгари Ватан истиқлолини дадил, миллий иродангиз билан бутун дунёга эълон этдингиз. Энди у муқаддас омонатни яна бу даврингизда авайлаб, ясатиб, миллий манфаатларни ва халқ орзуларини демократик йўл билан амалга ошириш[illegible]ингизни улуғ парварди[illegible] тилаб, сизга ва улуғ Т[illegible]он миллатига бахт ва [illegible]тлар тилаб қоламиз, [illegible]деб Саудия Арабистонидаги туркистонликлардан:

Сафохон АБДУРАҲМОНХУЖА,
Абдулҳамид АНДИЖОНИЙ,
Аҳмад Али ТУРКИСТОНИЙ,
Абдулғаффор Туркистон НУР,
Зуҳриддин Обид ТУРКИСТОНИЙ,
Абдуллохун ТУРКИСТОНИЙ.

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШЛАРИ

БУХОРО. 22 январь. (ЎзТАГ). Бу ерда вилоят фаолларининг кенгайтирилган йиғилиши бўлди. Йиғилишда шаҳар, район ва қишлоқ кенгашларининг раислари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг, Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгашининг, «Эрк» демократик партиясининг раҳбарлари, муаллимлар, Тошкентда ўқиётган талабаларнинг вакиллари қатнашдилар. Тошкентда рўй берган талабалар ғалаёни тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Йиғилишни халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашининг раиси Д. С. Ёдгоров очди. Республика Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов тузилган ҳукумат комиссиясининг иши тўғрисида йиғилиш қатнашчиларига ахборот берди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов ва ҳукумат олиб бораётган сиёсатни тўла қўллаб-қувватладилар, комиссия холис текшириш ўтказишини, айбдорлар муносиб жазоланишини талаб қилдилар.

Йиғилиш қатнашчилари вилоят аҳолиси, республика Президенти, Олий Кенгаши ва ҳукумати номига мурожаат қабул қилдилар.

Шу куни вилоят раҳбарлари Тошкентда ўқиётган талабалар билан учрашдилар. Сўзга чиққан кишилар рўй берган воқеада айбдор бўлганларни қаттиқ жазолашни талаб қилдилар.

Б. С. Ҳамидов, Д. С. Ёдгоров учрашув қатнашчиларининг саволларига жавоб қайтаришди.

ТЕРМИЗ, 22 январь. (ЎзТАГ). Бугун халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгаши билан Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши фаолларининг йиғилиши бўлди. Йиғилиш қатнашчилари нарх-навога эрк берилиши муносабати билан вилоятдаги ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш тадбирлари тўғрисидаги масалани муҳокама қилдилар. Вилоят ижроия комитетининг раиси Т. М. Менглиев маъруза қилди.

Вилоят меҳнаткашларига мурожаатнома қабул қилинди, вазиятни барқарорлаштириш тадбирлари белгиланди.

Йиғилишда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг раиси Х. Э. Бердиев нутқ сўзлади.

УРТА ОСИЁ ВА ҚОЗОҒИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ДИНИЙ БОШҚАРМАСИ ОЛИЙ ҲАЙЪАТИНИНГ ДИЁРИМИЗ АҲОЛИСИГА

МУРОЖААТИ

Ҳурматли азиз биродарлар!

Сиз, азизларга диёримиз тарихида энг нозик бир пайтда катта умид билан ҳаммамиз бирдам ва аҳил-иноқ, ҳамжиҳат бўлайлик, деб мурожаат қилмоқдамиз.

Она-Ватанимиз Ўзбекистон тарихида қимматли фурсат пайдо бўлди. У ҳам бўлса мустақилликдир. Ушбу улуғ неъматдан халқимиз, жумладан, диндорлар улкан ижобий ўзгаришлар кутмоқдалар.

Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, мустақиллигимизни кўра олмаётганлар ҳам орамизда бор. Улар турли йўллар билан бизни яна қуллик занжирига маҳкум қилишмоқчи. Шу сабабли ҳаммамиз ҳушёр турмоғимиз, мустақиллик йўлида қўлимиздан келганича ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз даркор. Оллоҳ таоло томонидан берилган мустақиллик неъматига ношукурлик қилаётганларнинг йўлини тўсмоғимиз лозим.

Оллоҳ таоло Қуръони каримда сиз билан бизга хитоб қилиб, «Аллоҳнинг ипи атрофида жипслашинг ва бўлинмай кетманг!» деган. Бизларнинг бир тан, бир жон бўлмоғимиз Оллоҳнинг амридир. Бу амрга бўйсуниш барчамизнинг бурчимиздир.

Тошкентдаги Талабалар шаҳарчасида бўлиб ўтган нохуш воқеалар ҳеч бир жойда такрорланмаслиги учун ҳаракат қилайлик, ҳамма муаммоларни тинч, келишув йўли билан ҳал қилишга уринайлик.

Қуръони каримда Оллоҳ таоло «Агар шукур қилсангиз неъматимни зиёда қилиб бераман», дейди. Ҳаммамиз барча неъматлар ва хусусан мустақиллик неъматига шукур қилайлик. Иншоаллоҳ неъматлар янада зиёда бўлажак.

«Албатта, Аллоҳ сабрлар билан биргадир» (Қуръондан). Аллоҳ таоло ҳаммамизни тўғри йўлга бошласин. Омин.

УРТА ОСИЁ ВА ҚОЗОҒИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ДИНИЙ БОШҚАРМАСИ ОЛИЙ ҲАЙЪАТИ.

МУҲТАРАМ БИРОДАРЛАР!

Талабалар шаҳарчасида содир бўлган воқеаларни оммавий ахборот воситаларида рўйрост ёритиш учун махсус ахборот хизмати ташкил этилди. Ўзингиз гувоҳ бўлган ва матбуотда ёритиш лозим деб ҳисоблаган маълумотларингизни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг комиссияси манзилига — Тошкент, Мустақиллик майдони, 5-уй ҳамда қуйидаги телефонларга маълум қилишингизни сўраймиз: 39-85-47, 39-84-67, 39-81-68.

Булардан ташқари ўз фикр-мулоҳазаларингизни барча матбуот воситаларига, радио ва телевидениега ёзиб юборишингиз мумкин.

Сайёрамиз нафаси

● ТОКИО. Россия Президенти Борис Ельциннинг Япония Бош вазири Кийти Миядзава билан учрашуви 31 январь куни БМТ Хавфсизлик Кенгашига аъзо бўлган давлатлар бошлиқларининг Нью-Йоркдаги учрашуви давомида ўтказилади.

● ПАРИЖ. Франция ташқи ишлар вазири Ролан Дюма Мустақил давлатлар ҳамдўстлигидан тўрт республика — Россия, Украина, Беларусь ва Қозоғистон бўйлаб расмий сафарга чиқди.

● НЬЮ-ЙОРК. Буюк Британия ташқи ишлар вазири Дуглас Хэрд Америкадаги Эй-Би-Си телекомпаниясининг мухбири билан суҳбатда собиқ Совет Иттифоқи республикаларига ҳозир одамийлик ёрдами кўрсатиш бениҳоя зарурлигини айтди.

● БОННИ. Совет Иттифоқининг ворислари бўлган давлатлар билан тузилган ва тузиладиган битимларни пул билан таъминлаш учун бундан буён ҳам Бонн давлат томонидан кафолатлар бериш ниятидадир.

● БМТ. Тожикистон БМТ [illegible]ингга қабул этишни сўраб ариза берд[illegible]спублика Президенти Раҳмон Набиев[illegible]МТ бош котиби номига йўллаган мак[illegible]шу ариза илова қилинган.

● БРЮССЕЛЬ. Европа ҳамж[illegible]ятлари комиссияси Кубага пинҳона борган қўпорувчилар гуруҳининг бошлиғи аксилинқилобчи Эдуардо Диас Бетанкур суднинг ҳукмига биноан отиб ташланганини қоралади.

(ТАСС 23 январь).

ХДП: сиёсий ташкилот нуфузи

АСОСИЙ МЕЗОН— АМАЛИЙЛИК ВА ТАШАББУСКОРЛИК

Халқ демократик партиясининг ташкилотларини шакллантириш даври поёнига етди. Аммо биз ўз фаолиятимизни партия таъсис этилган дастлабки кунданоқ бошлаб юборганмиз. 32 та бошланғич ва 42 та цех партия ташкилотлари ўтмишдошидан фарқли тарзда ўз иш жойини меҳнаткашлар орасида деб билиб, уларнинг кундалик ҳаёти ва иш фаолияти билан бирга яшаяптилар. Айниқса, ХДП Низомида тасдиқланганидек, ҳудудий партия ташкилотларига йўл очилганлиги аҳоли ўртасида олиб бораётган кенг кўламли ташкилий-тарбиявий ишларимизни янада кенгайтириш имконини берди. Ҳозир жойларда ана шундай 59 та бошланғич ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда.

Худудий ва ишлаб чиқариш партия ташкилотлари партия ва ҳукумат белгилаган вазифаларни халққа тушунтириш, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, уларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш, дуч келинаётган муаммоларни ҳал этишда хўжалик раҳбариятига ёрдам бериш каби ишларни кундалик фаолиятларида қамраб олмоқдалар. Республикада нарх-наво тизимига ўзгартиш киритилгандан кейин уларнинг фаолияти янада кенгайди. Биз барча партия ташкилотлари котибларини район кенгашига таклиф қилиб, ҳукумат нима учун эркин нарх тизимини жорий этишга мажбур бўлганлиги сабабларини тушунтирдик. Шу кунларда барча партия аъзолари, фаоллар халқ ўртасида чуқур тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар. Халқ ҳам ўз навбатида республика ҳукуматининг ушбу чорани кўришга мажбур бўлганлигини, ҳозирги оғир кунлар вақтинчалик эканлигини, албатта яхши даврлар ҳам келишини англаб туришибди. Пароканда бўлмай, турли хил ғояларга учмай, тартиб-интизомни мустаҳкамлаб унумли меҳнат қилишгина ана шундай дориламон кунларнинг келишини тезлаштириши мумкин эканлигини ҳам тушунадилар.

Эндиликда собиқ Коммунистик партияни ёмон отлиқ қилиш ва унга таъна тошларини отиш одат тусига кириб қолди. Тўғри, у партия тугади. Аммо мени шахсан ачинтирадиган нарса шу бўляптики, собиқ Компартия билан бирга унинг энг яхши иш услублари ҳам барҳам топди. Ахир Компартия узоқ йиллар давомида вужудга келтирган иш услублари сайқал топиб бориб, ўзини оқлаган эдику. Биз илгари партиявий иш ҳақида гап кетганида кишиларнинг ташаббускорлиги ва ишчанлигини ошириш, тартиб ва интизомни кучайтириш, ташкилий-тарбиявий ишларни маромига етказиш каби энг муҳим қирраларга урғу берардик. Айтингчи, мана шу қирраларнинг қайси жиҳатлари ёмон? Нима учун узоқ йиллар давомида партиявий фаолиятимиз мезони бўлиб келган ташаббускорлик ва ишчанлик, тартиб ва интизом, тарбиявий ишлар деган сўзларни унутиб қўяяпмиз. Ахир яхши турмуш, ишнинг салмоғи ташаббускорликка боғлиқ эмасми? Тартиб ва интизом бўлган жойда ҳалоллик, поклик, тўғрилик юзага келмайдими? Тарбиявий иш халқимизнинг қадимқадимлардан бери давом этиб келаётган эзгулигику? Бас, шундай экан энг яхши иш услубларимизни эсдан чиқариш, ундан воз кечиш учун ҳеч қандай маънавий ҳуқуқимиз йўқ.

ХДП район кенгаши ҳозирги оғир ва мураккаб шароитлардан келиб чиқиб, ўз иш фаолиятида иш услубининг мана шу жиҳатларига алоҳида эътибор беряпти. Шу билан бирга уларни такомиллаштириб, бойитиб бормоқда. Партия ташкилотларининг обрў-эътибори ортиб бораётганлиги сабабларидан бири ҳам ана шунда.

Ҳозир районда партия аъзоларининг сони 1250 кишига етди. Сафимизга киришни хоҳлаб, ариза бераётганлар кўп. Биз уларнинг орасидан энг фаол ва муносибларини танлаб олаяпмиз. Бу эса ўз навбатида ХДП сифат составини яхшилаш, партия аъзолари орқали унинг таъсир кучини ошириш имкониятини бермоқда. Шу сабабли ишчилар, хизматчилар, нафақахўрлар, хўжалик раҳбарлари турли хил илтимос, ариза ва хатлар билан бошқа идораларга эмас, район партия кенгаши ва бошланғич партия ташкилотларига мурожаат қилмоқдалар. Чунки халқ партияннинг ёрдам беришига, армонда қолдирмаслигига, чиндан ҳам ўзига таянч бўлишига ишонади. Партия ташкилотлари ҳам ўз навбатида улар кўтарган масалаларни ҳал этиш учун қўлидан келган ҳамма ишларни қиляпти. Зарур ҳолда эса партия аъзоси бўлган халқ депутатлари орқали район ва посёлка кенгашларига, хўжалик ташкилотларига таъсир ўтказмоқда.

Районимизда еттита посёлка кенгашлари бор. 310 нафар халқ депутатларидан 215 нафари ХДП аъзоларидир. Доимий комиссия раислари ҳамда раҳбар орган аъзоларининг 80 фоизга яқин қисми ХДП аъзоси сифатида иш кўрмоқда. Барча Кенгашларда партия гуруҳлари тузилиб, самарали иш олиб бораётир. Улар ғоят катта куч. Ҳозирги тақчиллик ва қимматчилик даврда халқ ҳам мана шу кучлар ўз кунига яраётганлигини, турмушни бироз бўлсада енгиллатиш учун иш олиб бораётганлигини биляпти.

Яхши ишнинг салмоғини пировард натижа кўрсатади. Партия таъсис давридан кейин ўтган 2,5 ой ичида ташкилий ишларда озмикўпми ижобий самараларга ҳам эришдик. Ўз тақдирини партиямиз тақдири билан боғлаган кишилар қаерда ва қандай касбда ишлаётганидан қатъи назар партиявий ғамхўрлик билан қамраб олинган. Давлат хўжаликлари бошланғич партия ташкилотлари ва унинг цех бўлинмалари халқ депутатлари район Кенгашлари сайлов округлари бўйича тузилганлиги ҳам бу соҳадаги ишимизга ёрдам бермоқда. Ўқитувчилар, врачлар, совет органлари ва бошқа тармоқларнинг ходимлари, ҳудудий принцип бўйича тузилган цех партия ташкилотлари ҳисобида турадилар. Биз шунингдек, бир вақтлар бўлгани каби «Бошқарув аппарати», «Устахона», «Ферма» цех партия ташкилотларини тарқатиб юбордик. Уларнинг ўрнига масалан, «Маданият» давлат хўжалигида ташкил этилганидек хўжаликларнинг марказий қўрғонида ҳудудий цех партия ташкилотлари туздик. Улар хўжалик партия қўмитаси ижроия бюроси орқали иш олиб бормоқдалар.

Бошланғич партия ташкилотлари дастлабки кундан ташаббус билан ишлаётгани хўжаликларнинг раҳбарлари фаолиятига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Масалан, яна ўша «Маданият» давлат хўжалиги партия ташкилотини олайлик. Кишилар бу ерга илтимос билан келгач, партия ташкилоти котиби М. Тожимуродов Фозилов номли ўрта мактабда иситиш тизимини ўзгартиш тўғрисидаги масалани овул Кенгаши ижроия қўмитаси олдига қўйди. Бу таклифни партия аъзоси бўлган депутатлар ҳам қўллаб-қувватладилар. Натижада иситиш тизимини ремонт қилиш тадбирлари белгиланиб, қарорда кўрсатилган вақтда фойдаланишга топширилди.

Район марказидаги Пушкин ҳудудий партия ташкилоти ҳам ўзига мурожаат қилган аҳоли аризаси бўйича белгиланган тадбирларни амалга оширмагунча тинчимади. Бу ерда хонадонларни газлаштириш учун маблағ етарли эмаслиги маълум бўлгач партия ташкилоти котиби Ж. Жиемуротов барча иш жараёнларини ҳашар йўли билан бажаришни таклиф қилди. Аҳоли ҳам ўз навбатида етарли миқдорда пул тўплаб берди. Партия ташкилоти кооператив билан шартнома тузиб, қолган ишларнинг бажарилишига эришди.

Партия ташкилотлари фаолиятидан яна бир ибратли мисол. Яқинда «Қуралпа» давлат хўжалигининг фермери Ибрайим Ходойберганов экиш учун ер камлиги, моддий техника таъминоти бўшлиги тўғрисида район партия кенгашига шикоят билан келди. Райком масаланинг нечоғлик тўғрилигини текшириш мақсадида фермер хўжаликлари ассоциацияси раиси, ХДП аъзоси Б. Узоқбоев, «Қуралпа» давлат хўжалиги партия ташкилоти котиби Н. Ниғматуллаев иштирокида комиссия тузди. Ҳозир улар фақат И. Ходойберганов шикоятинигина эмас, хўжаликдаги фермерларнинг фаолияти билан боғлиқ масалаларни ҳам чуқур ўрганмоқдалар. Район партия кенгаши ана шу масалани изчиллик билан амалга ошириш ва шу асосда район хўжаликларидаги фермерларга тегишли ёрдам кўрсатиш масаласини ўз мажлисида кўриб чиқишни режалаштирди. Яна бир мисол. Район маркази чеккасида жойлашган аралаш моллари магазини нураб, яроқсиз ҳолга келиб қолди. Шу атрофда яшайдиган пахта тозалаш пункти ишчилари ҳудудий партия ташкилотига магазин ремонтини тезлаштириш соҳасида ёрдам беришни сўраб, мурожаат қилдилар. Район партия кенгаши ижроия бюроси район Совети билан маслаҳатлашиб, магазин учун алоҳида хона ажратдилар, ремонт қисқа вақт ичида таъминланиб, фойдаланишга топширилди.

Мана шу мисолларнинг ўзи ҳам партия ташкилотларининг ташаббускорлик кўрсатиб ишлаётганлигини, унинг аҳоли наздида обрў-эътибори ошиб бораётганлигини тасдиқлади. Биз иш услубини мунтазам такомиллаштириб бораверамиз. Зеро, халқ юмуши учун ҳамиша камарбаста бўлиш партия иши мазмуни ва моҳиятини белгилайди.

М. БЕКБЎСИНОВ.
ХДП Қораўзак район кенгашининг биринчи котиби.

• Меҳнат жамоаларида

ИШЛАР ҚИЗҒИН

Гулистон консерва заводида сабзавот ва меваларни қайта ишлаш мавсуми бошланишидан анча олдин — бугунги кунданоқ 1992 йилда маҳсулот етиштиришни кўпайтиришдек вазифани ҳал қилишга киришдилар.

Корхона муайян ишлаб чиқарувчилар билан зарур миқдордаги хом ашёни етказиб бериш юзасидан шартномалар тузди. Айни вақтда бу шартномаларда аввалгига қараганда анча кўп — камида тўрт миллион банка консерва ишлаб чиқариш назарда тутилган. Бинобарин, бу ишларнинг ҳаммаси ажралиб чиққан Сирдарё бўлимининг ёрдамисиз бажарилади. Шу боисдан завод ремонтчилар бригадаси ҳозир қатъий жадвал асосида меҳнат қилмоқда — мавсум бошланишига янада унумли ишлаш учун барча линияларни тайёрлаб қўйишга улгуриш зарур.

Сирдарё вилояти

•

ТЕГИРМОНДА ЮМУШ КЎП

Балиқчи районидаги Навоий номли жамоа хўжалиги аъзолари ўзлари етиштирган буғдойдан ўзларига ёққан нонни ёпиш имкониятига эга бўлдилар. Бу ерда ҳашар йўли билан тегирмон қурилди, у бир кеча-кундузда икки тоннагача донни тортиб беради.

Узоқни кўрадиган қишлоқ аҳли ўз ерларида буғдой етиштирди. Бундан ташқари, жамоа хўжалиги оилалар ўртасида юз тоннадан кўпроқ донни тақсимлаб берди, ҳар эҳтимолга қарши, муҳтожларни кўзлаб 60 тонна дон ғамлаб қўйилди. Шундай қилиб янги тегирмон ишсиз тўхтаб қолмайди.

Ўтган йили жамоа хўжалигида консерва ва ёғочга ишлов берувчи цехлар, хонатлас тўқиб чиқарадиган кичик корхона ишга туширилганди. Уларга элликдан ортиқ киши ишга жойлаштирилди.

(ЎзТАГ).

ЎЗЛИГИНГ— БОЙЛИГИНГ

Ўзбекистон Президенти Фармонига мувофиқ, жумҳуриятимизда корхона, ташкилотларни давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда хусусийлаштириш жараёнлари янгича йўналишда ривожланиб боряпти. Жойларда меҳнат жамоалари ўз корхонаси ёки ташкилоти мулкини жамоа мулкига айлантирмоқда.

Жумладан, ўтган йили Хоразм вилоят Хонқа қўрғонидаги 417-хўжаликлараро махсус механизациялашган кўчма колонна бинокорлари ҳам давлат мулкини сотиб олди. Қуйида уларнинг ярим йил ичида амалга оширган ишлари, тикланиш йўли ҳақида ҳикоя қилинади.

Хонқа қўрғонидаги ушбу кўчма колонна қурувчилари янги йилни меҳнат муваффақияти билан кутиб олишди. Улар автомобиль йўллари, ички муҳандислик коммуникацияларини барпо этиш, насос станциялари, технологик қувур тармоқларини монтажлаш ҳамда ободонлаштириш ишларини амалга ошириш бўйича йиллик давлат буюртмаларини ошириб бажаришди. Режадан ташқари 800 минг сўмлик иш уддаланди.

Хўш, бу ютуқларга қандай қилиб эришилди? Аввало, ўтган йилнинг ёз ойларида колонна юқори ташкилот — «2-Узагротранспецстрой» трестидан қиймати 1834 минг сўмлик асосий фондларни сотиб олиб (бунинг учун банкдан қарз олишга ҳам тўғри келди), жамоа мулки эгасига айланди. Шундан кейин қурувчилар ишни юқори сифат даражасида ташкил этишди.

Хусусийлаштириш: илк қадамлар ва муаммолар

Колонна аҳли қишлоқ хўжалик саноати мажмуи иншоотларидаги асосий ишлаб чиқариш фаолиятларидан ташқари, бошқа буюртмачиларга ҳам хизмат кўрсатиш билан шуғуллана бошладилар. Дейлик, қувватларни тўлиқ куч билан ишлатиш мақсадида аҳолига турли пулли хизматлар кўрсатилди, ўз шахсий базаси маҳсулотларининг бир қисмини шартномавий нархларда сотиш йўлга қўйилди. Бу эса қўшимча даромад топиш имконини берди.

Энг муҳими, ишчидан тортиб юқори раҳбаргача мулк эгаси сифатида хўжасизликка йўл қўймаслик, сотиб олинган воситалардан унумли фойдаланишга интилди. Хуллас, жамоа ҳалол ишлаб топган пулини қайси соҳага сарфлаб даромад кўриши мумкинлигини тушуниб етди.

Мулк ҳақида гап кетганда, яна бир мисолни келтириб ўтиш керак. Колонна маъмурияти Украинанинг Кременчук шаҳридаги корхонадан 72 минг сўмга такомиллашган асфальт заводи мажмуини харид қилди. Ҳозир завод ишга туширилиб, кунига 60 тонна маҳсулот бермоқда. Бу ердаги ишларни фақат 6 киши уддалаяпти. Кейинчалик заводни кенгайтириш кўзда тутилмоқда.

Кўчма колонна қурувчилари ўтган йили қисқа муддат ичида 1 минг тонна маҳсулот сақлайдиган омборхона, консерва заводи, бир қатор коттеж-уйлар ва бошқа иншоотлар қуриб битказишди. Бу йилнинг биринчи чораги ҳамда йил давомида амалга ошириладиган ишлар ҳам пухта режалаштирилди. Масалан, биринчи кварталнинг ўзида Хазорасп райони марказида 844 ўринли, хўжаликларда эса 1296 ўқувчига мўлжалланган мактаб, Дружба шаҳрида тикув фабрикаси, бир қатор болалар боғчалари биноларини барпо этишга аҳд қилинди. Ҳозир бу борадаги яратувчилик ишлари қизғин давом этяпти.

Қувончлиси, бу қурилиш ташкилотида барча шартнома мажбуриятлари кам сарф-харажатлар эвазига бажарилмоқда. Бу эса юқори иқтисодий кўрсаткичлар омили бўлиб қолаяпти. Колоннада ҳар бир сўм ҳисобига 80 тийин ҳаражат сарфланмоқда. Ҳар бир қурувчининг ўтган йилги иш ҳиссаси 30 минг сўмдан ошиб кетди. Албатта, бундай рекорд натижа ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Қурувчилар ҳамжиҳатлик, ташаббускорлик намуналарини кўрсатди.

Ташаббускорлик эса ўз мулкига эга бўлган жамоада манфаатдорликни оширди. Ўтган йили бу ерда бинокорларнинг ўртача маоши 600 сўмга етди. Бунга қўшимча 100 сўмдан товон тўловлари берилди. Меҳнат таътилига чиқаётган кишиларга даволанишлари учун ижтимоий ривожланиш фондидан 200 сўмгача ёрдам пули ажратилди. Шу йил январь ойининг иккинчи ўн кунлигида эса қурувчиларга ўн учинчи маош тарқатилди. Ўтган йили колонна ўз меҳнатчилари учун иккита турар жой бинносини қуриб битказди. Янги йил арафасида У. Бобожонов, Д. Жуманиёзов, А. Қурёзов ва бошқа ўнлаб ишчилар уй тўғ. ларини нишонлашди.

Албатта, хусусий мулк эгаси бўлиб эркин ишлаш бир қатор муаммоларни мустақил ҳал қилишни тақозо этмоқда. Жумладан, таъминот масаласини ҳал қилиш, кенг фаолият учун тегишли буюртмачиларни топиш, фойдали шартномалар имзолаш, хуллас, барча соҳада ишлаётган қурилиш ташкилоти юксалишнинг ойдин йўлига тушиб олган. У бозор иқтисодиёти талабларига амал қилмоқда. Яъни, ривожланган капиталистик мамлакатлардаги синглари қаерда буюртмачи тўловга қобил бўлса, ўша ерда бунёдкорлик ишларини тез ва соз бажаришни зиммасига оляпти. Очиғи, бундан буюртмачилар ҳам, қурувчиларнинг ўзлари ҳам анчагина наф кўришяпти. Бир сўз билан айтганда, хўжаликни самарали юритишда мулкчиликнинг янги шакли жуда асқотмоқда.

И. АҲМЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» жамоатчи мухбири.

МАТОНАТ, ШОШИЛИНЧ ЁРДАМ

МУСТАҲКАМ ДАМБАЛАР

Келажакда Аспантой мавзеси ва шу атрофдаги давлат хўжаликларини сув тошқинидан сақлаб қолишнинг барча чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

Бунинг учун Амударёнинг ўнг қирғоғида 19 километрли дамба қурилиши тезлаштириляпти.

Пўрлитов ҳудудида узунлиги 8 километрли Қорлибой овулидан Мўйинкўл овулигача бўлган дамба қурилишига кўпгина техника воситалари —бульдозерлар, скрейперлар, экскаваторлар, ағдарма машиналар жалб қилинди. Улар икки сменада ишлатиляпти. Беш километр масофадан ағдарма машиналарда тупроқ ташиб келтирилмоқда. Ўрта ҳисобда кунига 25—30 минг куб метрдан кўпроқ тупроқ ишлари бажарилмоқда. Бўзатов, Чимбой, Шахман механизациялашган колонналари, Кегайли қурилиш-монтаж бошқармасидан жалб қилинган механизация воситаларидан самарали фойдаланилмоқда.

— 8 километр узунликдаги дамба қурилишини янада тезлаштириш имкониятига эгамиз,— деди бош пудратчи, Бўзатов кўчма механизациялашган колоннаси бошлиғи Майрамғали Болтаев. Эҳтиёт қисмлар, техниканинг иккинчи сменада ишлаши учун ёриткич етишмаслигидан ўнлаб техника воситалари тўхтаб қолмоқда. «Каракалпакагроремонтснаб» яқиндан ёрдам кўрсатса, кунига бажарилаётган ишларнинг кўламини 20—25 фоиз кўпайтириш имконияти бор.

Аспантой давлат хўжалиги ҳудудидаги Али овулдан Пўрлитов давлат хўжалиги томон 4,5 километр масофада дамба қурилиши бошлаб юборилди. Дамба қурилишида ишлаётганларга яхши шароитлар яратиб берилмоқда. Вагон-уйлар келтирилди. Бепул иссиқ овқат ташкил этилди.

— Дамба қурилиши яхши кетаётган бўлса-да, баъзи камчиликлар ишга ҳалақит беряпти. Бунга механик ёки механизатор айбдор эмас. Табиий офат юз берган ҳозирги шароитда дамба қурилишини тезлаштириш муҳим. «Узагроремонтснаб» раҳбарияти шошилинч чоралар кўриши — фонарлар, уларга эҳтиёт қисмлар, қайиш, электр симлари, аккумуляторлар, автошина ва бошқалардан амалий ёрдам кўрсатмаса бўлмайди.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Шовот савдо базаси маъмурияти кичик корхоналар тармоғини кенгайтиришга алоҳида эътибор бера бошлади. Бу ерда ҳозир тикувчилик, ширинпазлик цехлари ишлаб турибди.

Дурадгорлик цехи қурилиши ҳам жадал боряпти. Хўжалик усулида барпо этилаётган бу цехда эшик-дераза, столстуллар тайёрланадиган бўлади.

Суратда: база директори Эгамберган Машарипов (ўртада) қурилишнинг фаол қатнашчилари даврасида.

Сураткаш: В. МОЛГАЧЕВ.

ДАЪВОГАРЛАР БАҲСИ

Ёшлар баркамоллиги, етук инсон бўлиб тарбияланишлари мактабда олган билимларига нечоғлиқ боғлиқлиги ҳеч кимга сир эмас. Лекин ёшларнинг иқтидори, билими ҳамиша ҳам ҳақиқат мезони нуқтаи назаридан ҳал этилмаётир. Рўзноманинг 1991 йил 15 ноябрь сонида чоп этилган «Медаллар ёмғири» мақоласи муаллифлари. педагогика фанлари номзоди И. Турсунов ва филология фанлари номзоди Ҳ. Узоқовлар шу мавзуни ёритиб, хайрли ишга қўл урганлиги.

Мақолада ҳаққоний таклиф-мулоҳазалар билдирилган. Биз ҳам шу ўринда олтин медалга даъвогар ўқувчи, албатта, камида бирор фан бўйича район олимпиадасининг ғолиби бўлиши, кумуш медалга қўйилаётган талаб кучсизлиги, шу боис кумуш медаль ҳақидаги низомга ўзгартиш киритиш лозимлигини таъкидлаймиз.

Яъни ўқувчининг хулқи «намунали» бўлиб X синф йиллик якуний баҳолари «аъло», XI синф йиллик якуний баҳоларидан фақат биттаси «4» баҳолансагина бу ўқувчи кумуш медалга даъвогар бўла олсин.

Айниқса, медаль нишондори бўлган ўқувчиларнинг билими олий ўқув юртларига кириш чоғида адолат юзасидан баҳоланишини истардик.

Н. АҲМЕДОВ, Т. КАРИМОВ, Э ҲАСАНОВ,
Тошкент шаҳар, А. Икромов районидаги 81-ўрта мактабнинг олий тоифадаги ўқитувчилари.

ЖИДДИЙ ЎЙЛАБ КЎРИЛСА

«Медаллар ёмғири» мақоласини ўқиб

«Медаллар ёмғири» мақоласида кўтарилган масалалар халқ таълимидаги камчиликлар, ўқитувчилар масъулиятсизлиги каби иллатларни рўйрост очиб ташлайди. Айниқса, кўплаб ўқувчиларнинг медаль соҳиби бўлишидан кимлар манфаатдорлиги ҳам кўринib турибди. Олий таълим тизимида ҳам ҳамон эскича ишлаш услубидан воз кечилмаганининг гувоҳимиз. Кўплаб билимли ёшларнинг истеъдоди қабул имтиҳонлари давридаги таниш-билишчилик, адолатсизликлар қурбони бўлаётир. Ҳақиқий билим эгалари бўлган ёшлар медаль ололмай азият чекяптилар. Медаллардан нафақат ўқувчи-ёшлар, балки амал курсисида ўтирган баъзи нопок шахслар ҳам манфаатдор бўляптилар.

Педагогика олийгоҳларига медаль соҳиблари учун белгиланган ягона кириш имтиҳонини қайта тиклаш ҳақидаги таклифни қўллаб-қувватлаймиз. Ана шунда бошқа олий ўқув юртларида (гарчи медали бўлса-да!) «йиқилиш»га кўзи етган ёшларнинг муаллимгоҳга ўзини уришидан, пировардида лаёқатсиз ўқитувчи-мутахассис тайёрланишидан қутулган бўламиз.

Яна бир мулоҳазани айтиб ўтмоқчимиз. «Ишончли ўқитувчи» деган номга сазовор ўқитувчиларни олқишлаймиз. Уларнинг сони республика бўйича 12 нафарлиги бизни ташвишлантиряпти. Нима, қолган муаллимлар ишончсизми? Республика Халқ таълими вазирлиги бу масалада ҳам жиддийроқ ўйлаб кўрса фойдадан ҳоли бўлмасди.

Сирдарё область, Сайхунобод районидаги 4-ўрта мактаб муаллимлар жамоаси.

ЭНГ МУҲИМИ —ИҚТИДОР

Мустақил Республикамизнинг барқарорлиги кўп жиҳатдан иқтидорли ёшларга боғлиқлиги ҳақида кўп гапиряпмиз. Бу, шубҳасиз, тўғри. Лекин ёшларнинг иқтидори айнан ўрта мактабда шаклланишига етарлича эътибор бермаяпмиз.

«Медаллар ёмғири» мақоласини ўқиб бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Муаллифлар ўрта мактабларни олтин ва кумуш медаллар билан битираётган ёшларнинг истеъдоди тўғри баҳоланмаётганини жуда тўғри танқид қилишган. Айниқса, медалларга даъвогарларнинг сони осмонга чиқиб кетгани ҳаммани ҳам ўйлантиряпти. Агар республикамиз ёшларининг билим даражасини шу янглиғ ошган деган нуқтаи назардан қарасак бу қувонарлидир. Лекин шу медаль соҳибларининг кўпчилиги олий ўқув юртларига кира олмай «йиқилаётгани» устида чуқурроқ ўйлаб кўриш керак. Айрим ҳақиқий билим эгалари бўлган истеъдодли ёшларнинг, медаль нишондорларининг адолатсизлик туфайли имтиҳонлардан ўта олмаётганини ҳам таъкидлаб ўтиш даркор. Олий ва ўрта таълимда туб бурилиш, ислоҳот қилиш шу куннинг талабига айланиб қолди. Лекин бу жабҳадаги ишлар жуда суст, қониқарсиз олиб бориляпти.

Ўтган ўқув йилида Қўқон шаҳрининг ўзида 31 нафар олтин медал, 74 нафар кумуш медаль нишондори битириб чиқди. Ўқувчилар битириш имтиҳонларини ўз мактабларида топширишганди. Уларнинг адабиёт ва математикадан ёзган ишлари шаҳар халқ таълими бўлими қошида ташкил қилинган комиссия томонидан қайта текширилди. Унинг якуни математикадан беш нафар, адабиётдан тўрт нафар ўқувчининг ёзма ишини қониқарли — «3» баҳога лойиқ деб топилди. 9 нафар ўқувчи эса медалга нолойиқ деб ҳисобланди. Ўйлаймизки, бу камчилик нафақат Қўқон шаҳрида, балки республиканинг бошқа кўпгина мактабларида ҳам рўй бераётир. Аввало, ўқувчининг билим савияси ўрта мактабда ҳаққоний баҳоланиши керак.

Шу ўринда ҳақиқий билимдон ёшларнинг олий ўқув даргоҳларида медаль соҳиби бўлатуриб (ҳатто ўрта мактабларни «қониқарли», «4»га битирган ёшлар «5» баҳо олишга эришаётганини мутлақо тушунмаймиз!) кириш имтиҳонларидан ноҳақдан «йиқилаётгани»дан ҳам кўз юма олмаймиз.

Зеро, ёшларнинг ўрта мактабларда эгаллаган билими меваси — медаллар уларнинг иқтидори мезони бўлиб хизмат қилсин.

Э. ЭРГАШЕВ,
Қўқон шаҳар халқ таълими бўлими мудири.

* * *

Мақола юзасидан кўплаб муштарийлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, мактублар йўллашган. Шунингдек, Ҳ. Охунова, А. Солиев, А. Бобомуродова, Д. Йўлдошева, Р. Ёқубжонов, Я. Нуриддинов ва бошқалар ҳам халқ таълимидаги бундай камчилик, нуқсонлар ҳамон юз бераётганини таъкидлаганлар.

ТУРК МАДАНИЙ МАРКАЗИ

Ўзбекистон маданият жамғармаси қошида Умумтурк маданий маркази очилди. Шу воқеага бағишланиб Тошкентда ўтган тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси ижодий жамоаларининг вакиллари, олимлар, турли мамлакатлардан келган ишбилармонлар, зиёлилар ва меҳмонлар иштирок этдилар.

— Маданий марказнинг асосий мақсади, — деди йиғилишни очаркан, Ўзбекистон маданият жамғармаси бошқаруви раиси, ёзувчи Мамадали Маҳмудов, Туркия билан алоқаларни мустаҳкамлаш, бутун дунёдаги турклар билан маданий алоқаларни ривожлантиришдир.

Олимлардан Ф. Сулаймонова, Қ. Маҳмудов, Я. Шермуҳамедов, Ўзбекистон президент Кенгаши аъзоси Шукрулло, Туркиялик ўқитувчи Ражаб Ширин, ишбилармон Аҳмад Гўктурк Инон, шифокор Л. Ҳамдиев, шоир Е. Обидов ва бошқалар туркий халқлар тарихи ва маданияти ҳамда азалий анъаналарни тиклаш ҳақида гапирдилар.

Йиғилишда маданият марказининг тадбирлари белгиланди. Умумтурк маданият маркази директори қилиб Ўмар Салмонов сайланди.

Ф. ШОҲ ИСМОИЛ.

МУСТАҚИЛЛИК ИШЧАНЛИКНИ ЁҚТИРАДИ

ОМИЛКОРНИНГ НОНИ БУТУН

Намангандаги «Зилол сув» акционерлик лойиҳа-қурилиш фирмаси жамоасининг меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилиш тажрибасидан

Собиқ Иттифоқ ҳудудида барча корхоналар фаолияти занжирбанд қилиб ташланганн оқибатида бутун ишлаб чиқариш издан чиққани энди ҳаммага аён бўлди... Шундай оғир шароитда ҳам омилкор кишилар имкон излаб, режаларни ортиғи билан бажаришга, жамоа аъзоларини боқишга шароит яратишяпти. Бунга Намангандаги «Зилол сув» акционерлик лойиҳа-қурилиш фирмасини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Жамоа аҳлининг иш услуби, тажрибаси жумҳурият миқёсида намуна қилиб кўрсатишга арзигулик. Қуйида шу ҳақда ҳикоя қилинади.

ҚАЛТИС ЙЎЛДАГИ ШАМЧИРОҚ

Фирма ташкил бўлгунга қадар унинг ўрнида жумҳурият Яйлов-мелиорация қурилиш бирлашмаси ихтиёридаги 480-Наманган механизациялашган кўчма колоннаси фаолият кўрсатарди. Вилоятда ягона ушбу ташкилот ерларга сув чиқариш, қишлоқ аҳолиси ва яйловлардаги чорва молларга ичимлик сув етказиб бериш билан шуғулланарди. Кўчма колонна жумҳурият миқёсидаги ташкилот бўлгани учун ўтган йиллар давомида Намангандагина эмас, Хоразм, Жиззах, Фарғона каби вилоятларда ҳам катта ҳажмдаги ишларни амалга оширди.

— Мен шу жамоада тарбияланиб вояга етдим. Колоннани бу жамоага узоқ йиллар раҳбарлик қилган раҳматли устозим Қаҳҳоржон Қосимовдан қабул қилиб олганман, — дейди Ўзбекистон Республикаси халқ депутати Турғунпўлат Ҳошимов. — У киши менга ҳамиша мустақил фикрли бўлиш, ҳар қандай шароитда жамоага суяниш ва ишчи-хизматчиларга ғамхўрлик қилиш ҳақида кўп маслаҳатлар берардилар. Бутун фаолиятим давомида шунга амал қилиб келяпман. Ҳар бир ишчининг турмуши ва иш жараёнидаги камчилик, муаммоларни ҳал қилишни ўзимнинг биринчи галдаги вазифам деб биламан. Чунки одам, аввало, оиласидан ва меҳнат шароитидан кўнгли тўқ бўлса, сидқидилдан меҳнат қилади. Мен бунга тажрибамда иқрор бўлдим.

Бироқ... Яратилган қулай шароитлар кимларнингдир ғашини келтирди. Ишчиларга ҳашаматли ошхона қурилгани, унинг олдида фаввора ва гулзорлар ташкил этилгани, бунга давлатнинг минг-минглаб маблағи «совурилгани» тўғрисида юқори идораларга имзосиз хат тушди. Дўппи дейилса калла олишга тайёр комиссия енг шимариб ишга киришди. Текшир-текшир уч йилга чўзилди. Тирноқ тагидан кир қидиришни давом эттираверди. Нуфузли вакиллар текширишга жонжаҳдлари билан ёпишаётганда... бирдан «имзосиз хатлар текширилмасин» деган фармон чиқиб қолди ва ташкилотдан комиссиянинг қадами ариди.

1987 йилга келиб кўчма колонна оғир аҳволга тушиб қолди. Бир қатор хўжаликлар ташкилот жамоасига бажарган ишлари учун пул ўтказолмай, ундан қарздор бўлиб қолдилар. Йил охирига келиб у 3 миллион сўмга етди. Колонна келгуси йил фаолият кўрсатиши учун бу маблағ зарур эди. Акс ҳолда у инқирозга учрарди. Шунда айрим одамлар қарздор хўжаликларни судга бериб бўлса ҳам қарзни ундириб олиш лозимлигини — қонун шуни тақозо қилишини айтдилар. Лекин бу қонун йўли билан минглаб колхозчиларнинг охирги бир бурда нонини ҳам тортиб олиш билан баробар эди. Зеро, дунёда қонунда ёзилмаган одамгарчилик деган нарсалар ҳам бор. Шу боис колонна жамоаси ҳамма оғирликни ўз зиммасига олди.

Ташкилот раҳбарлари, мутахассислар бу ҳақда узоқ бош қотирдилар. Ниҳоят жамоа аҳли билан маслаҳатлашиб, ташкилотнинг бир қисмини гаровга қўйиб, банкдан қарз олиш ҳисобига фаолият кўрсатишга азму қарор қилинди. Жамоа аъзолари ўзларига ишонганлари учун ҳам шу қалтис йўлдан боришга чўчимадилар. Колонна раҳбарлари бу йўл тўғри танланганлигини район, вилоят, ҳатто жумҳурият мутасадди идоралари олдида қайта-қайта исботлаб беришларига тўғри келди. Ниҳоят бир қанча тўсиқларни енгиб, Наманган районидаги «Коммунизм» жамоа хўжалигидан Тошбулоқ деҳқончилик саноат банки орқали гаров ҳисобига 2 миллион сўм қарз олишга эришдилар.

Шартномага асосан, мабодо, белгиланган муддатда қарз олинган икки миллион сўм қайтарилмаса, кўчма колоннанинг темир-бетон буюмлари заводи «Коммунизм» жамоа хўжалиги тасарруфига ўтадиган бўлди. Ишонч билан қўйилган қадам тез орада ўз самарасини берди. Бир йилга бормай иқтисодий танглик бартараф этилди. Колонна 45 та буюртмачи ва таъминотчи ташкилотлар билан тўхтаб қолган муомаласини яна тиклашга эришди. Иккинчи йилга ўтиб эса кўчма колонна барча қарзларидан қутилди, фойда кўриб ишлай бошлади. Қарздор хўжаликлар ҳам 3 миллион сўмни қайтаришди. Эндиликда колонна иқтисодий аҳволи оғир бошқа ташкилот ва хўжаликларга қарз бериш имкониятига эга бўлди.

Ҳа, омилкорлик, тадбир билан иш тутиш қўл келди. Кейинчалик колонна жамоаси тажрибаси Наманган районидагина эмас, вилоят миқёсида ҳам кенг оммалашди. Қалтис йўлда шамчироқлар ёниб, эркин тараққиёт истиқболлари очила борди.

> ● Кенг ёйишга арзигулик тажриба
> ● Омилкор одамлар кўпроқ наф келтирмоқда
> ● Эзгу ният — қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик сув билан таъминлашдан иборат
> ● Иқтисодий жиҳатдан бақувват фирма ўз жамоасини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишга қодир

ИШЧИ КЎНГЛИ ХОТИРЖАМ

— Раҳбар одам беш—ўн йилни олдиндан кўра билиши лозим, — дейди Т. Ҳошимов. — Ҳар қандай шароитга жамоа аъзоларини ҳозирлаб бориши керак. Эртанги кунни эмас, оёғи остини кўзлаган раҳбар узоққа бормайди.

У сўзига амал қиладиган мулоҳазали мутахассис. кўчма колоннада техника воситаларини ва бошқа нарсаларни ижарага бериш бундан роппа-роса ўн йил олдин бошланганди. Ўша пайтлардаёқ ижарага берилган техника бир-бир ярим марта кўп фойда келтириши исботланди. Техника камроқ бузилиб, фойдаланиш муддати бир неча йил узайиши маълум бўлди. Яъни, жамоа одамларида бу давлат мулки эмас, менинг мулким, деган тушунча пайдо бўла бошлади.

Энг муҳими эса, меҳнатга муносабат ўзгарди. Эндиликда бу корхона ишчилари иш вақтида самарали меҳнат қилишдан бошқа нарсани ўйламайдиган бўлишди. Масалан, ишчининг оиласи учун зарур озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотларни ишчи ахтариб юрмайди. Эрталаб ишга келганда, идора навбатчисига керакли маҳсулотлар номлари ва ҳажми ёзиб қолдирилади ёки кўнгироқ қилиб қўяди. Колонна машинаси эрталаб буюртирилган маҳсулотларни ишчининг уйига элтиб беради. Унинг ўзи эса хотиржам ишлайверади. Ойлик олаётган пайтда ҳисоб-китоб қилинади.

Колонна ошхонасининг шинамлиги, халқ меъморчилиги услубида қурилгани завқ бағишлайди. Ишчилар корхона муҳри босилган талон билан бепул овқатланишади. Ҳар бир ишчининг ўз ўрни, номи ёзилган пиёла-қошиқ ва ликобчаси бор. Ошхонанинг ўнг томонида жиҳозланган учта хона бўлиб, у меҳмонлар учун ажратилган. Оддий ишчидан тортиб корхона раҳбаригача фақат меҳмони келгандагина шу хоналарга олиб кириб бирга овқатланадилар. Иссиқхонада лимонзор ҳамда ёрдамчи хўжалик ташкил этилган. Ёрдамчи хўжаликда айни пайтда 50 бош қорамол, 200 бош қўй-эчки, 100 қути асалари боқилмоқда. Булардан олинаётган маҳсулотлар ишчилар ошхонасига ва ортиб қолгани эса ишчи-хизматчиларга арзон нархларда сотилмоқда. Корхонадагиларнинг айтишича, лимонзордан олинган бир йиллик даромад ишчиларнинг йил бўйи бепул овқатланишини қоплайди.

Ишчи-хизматчиларга, шароити оғир оилалар ва кексаларга ёрдам кўрсатадиган меҳр-шафқат ва саломатлик қўмитаси ташкил этилган. Ишчилар ва мутахассислар ҳар йили маошининг бир фоизини шу қўмита ихтиёрига ўтказишади. Ҳозир қўмита маблағи 300 минг сўмдан ошиб кетди. Ундан турли тадбирлар ўтказишда ҳам фойдаланилмоқда. Тўй қиладиганларга 500 сўмдан, янги турмуш қурган оилаларга 1000 сўмдан ҳамда матомсароларга ҳам шу ҳажмда моддий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Яна бир хайрли ишга амал қилиняпти. Жамоада 20 йилдан 25 йилгача узлуксиз ишлаган кишининг қарилик пенсияга чиқиши арафасида унга бир йўла 25 ойлик маоши миқдорида маблағ ажратилади.

Бундай тадбирлар корхонага, жамоага бўлган меҳрни оширяпти.

БИРИНЧИ БЎЛИШ ОСОНМАС

Одамларнинг сидқидилдан қилган самарали меҳнатлари туфайли моддий манфаатдорлик ошмоқда. Ишчиларнинг меҳнат шароитларини яхшилаб, маошларини янада ошириш мумкин, деган фикрга келинди. Техника воситаларини майда цехлар ишчиларига дастлаб ижарага, кейинчалик хусусийлаштириб бериш тажрибалари қўлланилди. Жамоа аъзолари колоннани жамоа мулки қилиб сотиб олишга қарор қилдилар. Бу борада яна бир қанча тўсиқларни енгиб ўтишга тўғри келди. Турли юқори идора ва ташкилотлар билан бу ҳақда мунозаралар олиб борилаётган бир пайтда Ўзбекистон Президентининг қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш тўғрисидаги Фармони чиқди-ю... муз жойидан силжиди.

Ишлар юришиб кетди. Натижада 480-механизациялашган кўчма колонна шу жамоа аъзолари мулкига айлантирилди. Яъни, улар ташкилотни хусусий мулк қилиб сотиб олдилар ва унинг номини «Зилол сув» акционерлик лойиҳа-қурилиш фирмаси деб атадилар. Шу тарзда вилоятда биринчи жамоа мулки бўлган хусусий корхона ташкил топди.

Фирма 9 та кичик корхонадан иборат. Уларнинг ҳар бири ўз даромадини мустақил тасарруф этади. Мазкур кичик корхоналарни ривожлантириш ва кенгайтириш мақсадида Учқўрғон, Янгиқўрғон, Поп районларида база қуриш учун 1,5—2 гектардан ер ажратилди. Келгусида ҳар бир корхонанинг қурилиш-монтаж ишлари ҳажмини 3—4 миллион сўмга етказиш режалаштирилган. Бу эса — даромад яна ортади, дегани.

Эндиликда жамоа аъзолари бу ердаги ҳамма нарса ўзиники эканлигига ва олинган фойда ҳам ўз ихтиёрида бўлишига ишонч ҳосил қилишди. Дарвоқе, ишчи-хизматчилар корхонани хусусийлаштиришда акция сотиб олиш билан ўз ҳиссаларини баҳоли қудрат қўшишди. Ишчилар суҳбатда фирма томонидан ташкил этилган акция қоғозларини беш-ўн минг сўмга (ҳамма имкониятига қараб) сотиб олганлигини ва йил охирида фирма олган фойдадан қанча фоизи ўзига тегишли эканлигини аниқ айтиб беришди. Фирма қанча кўп фойда олса, ўзларига ҳам шунча манфаати тегишини яхши билишади. Қаранг, ҳозирги ишчилар ҳам анойи эмас. Ҳаммаси ақл билан иш юритади. Энди уларнинг ҳақини ҳисоб-китоб қилиб берадиган учинчи одамнинг ҳожати йўқ. Қолаверса, ўз ихтиёрлари ўзларида, фирма мулкига ўзлари хўжайин.

Фирма аъзолари онгидаги ўзгариш уларнинг меҳнат натижаларида ҳам ўз аксини топмоқда. Ўтган йил ноябрь — декабрь ойига келиб ишчиларнинг ўртача маоши 700 сўмни ташкил қилди. Фирманинг банкдаги пуллари кўпайиб, моддий жиҳатдан бақувват бўлиб бормоқда. Айни пайтда фирманинг Наманган районидаги Свердлов номли жамоа хўжалигида ишчилар учун олган ерида «Янги ҳаёт» турар жой мавзеси қад ростлаяпти. Уларнинг 15 тасида ҳовли тўйлари бўлиб ўтди. Яна 16 таси фойдаланишга топширилиш арафасида.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг сессиясида Т. Ҳошимов жумҳуриятда ногиронлар фондини ташкил этиш таклифи билан чиқди. Таклиф кўпчиликка маъқул бўлди. Уни жумҳурият Президенти қўллаб-қувватлади. Бундоқ олиб қараганда, таклифда жон бор. Кейинги йилларда меҳр-оқибат, диёнат тансиқ бўлиб бормоқда. Одамлар ўз қобиғига ўралиб теварак-атрофга, айниқса бева-бечора ва ногиронларга бефарқ қараяпти. Ҳолбуки, бу иллатлар миллатимизга, урф-одатларимизга ётдир. Ҳозир Турғунпўлат Ҳошимов ногиронлар фондини вилоятда биринчи бўлиб ташкил этиш ташвиши билан юрибди.

Фирма ўз фаолиятини кенгайтириш мақсадида хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик қилишга дадил киришди. Жумладан, Польша ва Чехословакия билан ҳамкорликда артезиан қудуқлари насосларини жорий ремонт қиладиган ва янги насослар ишлаб чиқарадиган қўшма корхона қуриш йўлида ҳаракатлар бошлаб юборилди. Хитой Халқ Республикаси билан ҳамкорликда йилига 5 миллион дона пишиқ ғишт ишлаб чиқарадиган завод қурилиши ҳам бошланиш арафасида. Бу режаларнинг амалга ошиши фирмагагина эмас, балки вилоят аҳолисига ҳам катта наф келтиради.

Хусусий корхонанинг дастлабки дадил қадамлари шундай.

Абдулҳошим МАДАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

*

Қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик сув билан таъминлаш вазифасини ҳал этишда Наманган районида ташкил этилган «Зилол сув» фирмаси катта ишлар қилмоқда. Районнинг Шўрқўрғон қишлоғида барпо этилган водопровод иншооти бу корхонанинг биринчи объекти бўлган эди. Энди бундай объектлар тармоғи яна ҳам кенгаяди.

Суратларда: 1. Фирма бош директори, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати Т. Ҳошимов. 2. Охунбобоев номли жамоа хўжалигида барпо этилган водопровод иншооти. 3. Фирма лимон хўжалиги ходими Мажидхон Холматов. 4. Ёввойи ўрдакларга бу маскан ёқиб қолди.

А. КОВТУН (ЎзТАГ) олган суратлар.

*





ҲАМДЎСТЛИК МАМЛАКАТЛАРИДА

● ВЛАДИВОСТОК

Улка маъмурияти биносига кираверишда икки юзга яқин одам тўпланди: «Биз бозор тарафдоримиз, лекин нарх-наво тўқмоғи бошимизга урилишига қаршимиз», «Биз навбатда туришдек томоша бўлишни эмас, балки нон берилишни талаб қиламиз», — деган сўзлар ёзилган плакатларни кўтариб олишган эди улар. Бу тадбирни касаба уюшмалари ўлка федерацияси нарх-наво ҳаддан зиёд қимматлашиб кетаётганига ҳамда маҳаллий маъмурлар жуда мухтож кишиларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан чоралар кўрмаётганига қарши норозилик белгиси остида уюштирган эди. Денгиз бўйи ўлкаси аҳолисига истеъмол халтасининг нархи шу вақтгача айтилмаган, касаба уюшмаларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, у 2 минг сўмга яқинлашади.

● ХАБАРОВСК

Жанубий Корея мактабларининг ўқувчилари ўзларининг Россиядаги тенгдошлари учун тўпланган уч тоннага яқин совға Аэрофлот самолётида Сеулдан Хабаровскка олиб келинди. Совғалар орасида ширинликлар, ўқиш учун керакли ашёлар ва бошқа хил буюмлар бор эди. Қўшни мамлакат Қизил крест жамияти ана шу инсонпарварлик ёрдамини уюштирди. Шу ҳафтада Хабаровск шаҳри билан биродарлашган Американинг Портленд шаҳридан ҳам тиббий ускуналар туркуми махсус самолётда олиб келиниши кутилмоқда.

● КИШИНЕВ

Молдава республикаси ҳукумати халқ таълими ходимлари ижтимоий ҳимоя қилинишини кучайтириш мақсадида уларнинг маошини анча ошириш тўғрисида қарор қабул қилди. Умумтаълим мактаблари, билим юртлари, лицейларнинг муаллимларига уларнинг даражаси ва қанча ишлаганига қараб ойига 800 сўмдан икки минг сўмгача, олий ўқув юртларида эса ўқитувчиларга 1150 сўм, профессорлар ва фан докторларига 3300 сўмгача маош тайинланади.

● МУРМАНСК

Устаси фаранг ишбилармон кишилар тегишли рухсатномасиз ўнлаб тонна тақчил балиқ маҳсулотларини олиб кетишга уриндилар. Лекин ана шу маҳсулотлар ортилган юк машиналари ярим йўлдан орқага қайтишига тўғри келди. Россия Федерацияси Президентининг Фармонига биноан тузилган Мурманск вилоят ички божхона хизмати бошқармаси ўз фаолиятини шундай бошлади. Аниқланишича, бу юклар давлат савдосига эмас, балки қутб ортидан балиқ махсулотларини олувчилар рўйхатига киритилмаган кичик корхоналарнинг эгаларига юборилган экан. Бу эса қоидалар бевосита бузилганлигини кўрсатади. Шундай қилиб, маҳаллий назоратчилар озиқ-овқат маҳсулотларк етишмаслиги натижасида ниҳоятда қийналаётган минтақадан тақчил хом ашё ташиб кетилишига қарши курашиб, унинг йўлини тўсдилар. Ички божхона хизмати Кола яриморолини мамлакат жанубий районлари билан боғлайдиган темир йўлда ҳам ишлай бошлади.

● БАРНАУЛ

Шаҳар йўловчилар транспортининг кира ҳақи яна қимматлашди. Ўтган йили унинг нархи икки баравар оширилган эди, энди яна икки баравар кўтарилди. Шаҳарликлар трамвай, троллейбус, автобусда юрганликлари учун 30 тийиндан кира ҳақи тўлай бошладилар. Бу тадбир шаҳар транспорти зарар келтираётгани сабабли амалга оширилди. Транспорт учун Барнаул хазинасидан ҳар куни қўшимча тарзда 86 минг сўм ажратиларди. Пулнинг қадрсизланиши транспортда бир марта юрганлик учун мўлжалланган таннарх билан унга тўланадиган ҳақ ўртасидаги фарқни янада кўпайтириб юборди. Шундай қилиб, шаҳар Кенгаши раёсати қабул қилган кира ҳақи қийматини икки баравар оширши тўғрисидаги қарор охирги қарор бўлмаса керак. Чиптасиз йўловчилар учун солинадиган жарималар ҳозирча аввалги ҳолича қолди.

УМИД ҚИЛАМАН

Арзномалар, ҳангомалар

Асли марғилонликман. Навқирон йигитлик чоғларим армия хизматида ўтди. Улуғ Ватан урушида қатнашиб, қатор орден ва медаллар билан тақдирланганман.

1947 йилда хизматдан бўшатилиб, Марғилонга қайтдим. Орадан олти ой ўтгач, мени беш нафар йигит билан бирга Тошкент шаҳрига милицияга ишга юборишди. Узоқ йиллар давомида масъул вазифаларда ишлаб, пенсияга чиқдим.

Тошкентда оила қурганман. Уч қиз ва икки ўғлининг, кўпдан-кўп набиралларнинг бахтиёр ота-бобосиман. Қизларимни тошкентликларга узатганман, ўғилларимга эса Марғилондан келин олиб бердим.

Кексайиб қолган чоғимда кўнглим тез-тез киндик қоним томган Марғилонни қўмсайдиган бўлиб қолди. «Шалдирама» маҳалласидаги Пионер кўчасида ота ҳовлимиз бор. У ерда укам бола-чақалари билан яшайди. Мазкур жойнинг икки сотихини бир кишига бериб юборишган, Орадан кўп йиллар ўтган бўлса-да, у бу ерга кўчиб келгани йўқ. Негаки, уй-жойга муҳтож эмас.

Қавму қариндошларим, қудаларим ота мерос ҳовлининг бир қисмига эгалик қилишимни жуда-жуда истайдилар. Бу ҳақда мен Марғилон шаҳар ижроия комитетига мурожаат этганман. Улардан нажот бўлмагач, Тошкентдаги юқори идораларга бир неча марта арз қилдим. Шикоят-аризам кўпдан буён халқ депутатлари Фарғона област ижроия комитетида турибди. Бу ердаги раҳбар ўртоқлар билан шахсан учрашдим ҳам. Улар менинг илтимосим бўйича махсус комиссия юборишга ваъда беришди Афсуски, орадан кўп вақт ўтган бўлишига қарамай, ваъда бажарилгани йўқ.

Раҳбарнинг қандай одам эканлигини унга иши тушган кишилар яхши билишади. У халқпарвар бўлса, эл ҳурматини қозонади, обрў-эътибори тобора ортиб боради. Шундай инсонпарвар раҳбарлар Фарғона вилояти ижроия комитетида, қолаверса, она шаҳрим Марғилонда борлигига ишонгим келади. Умидим шулким, улар кексайган чоғимда мени яна сарсону саргардон қилишмайди.

Маҳмуд УМИДОВ,
шахсий нафақахўр.
Тошкент шаҳри

МУСАВВИР КЎРГАЗМАСИ

Хитой ранг-тасвир санъатининг қарийб бир ярим минг йиллик тарихга эга бўлган «Бо хуа» кўҳна услуби амалда йўқолиб кетган эди. Мусаввир Фэн Чжи—Бинь ана шу усулни тиклашда катта хизмат қилди.

Хитойлик мўйқалам соҳибининг асарлари Тошкентда, Ўзбекистон санъат музейининг залларидан бирида очилган кўргазмага қўйилди. Мусаввир санъат илмгоҳида таълим олди, у ўз ватанида халқ санъатини ўрганиш жамиятининг бош котиби ҳамдир.

Муаллиф материал сифатида Хитой қарағайи илдизларидан алоҳида усулда тайёрланадиган «Суань» деб аталган қоғоздан ҳамда тушдан фойдаланади. Афсонавий ёки халқ оғзаки ижоди руҳи билан йўғрилган ҳар бир расм лирик ҳикояга ўхшаб кетади. Улардан ажиб бир бокиралик, самимийлик уфуриб туради.

Фэн Чжи Бинь Тошкентда, умуман мустақил давлатлар ҳамдўстлигида ўз асарларини илк бор намойиш этмоқда. Бунга қадар Канада, Япония, Гонконгда унинг шахсий кўргазмалари томошабинлар ҳукмига ҳавола этилганди. Унинг кўплаб асарларини жаҳон музейлари сотиб олган, хусусий коллекциялардан ўрин олган.

Тошкентдаги «Агро лимитед» хусусий фирмаси, «Умид» ижтимоий ҳайрия жамияти, Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси Хитой мусаввири кўргазмасини ташкил этдилар.

— Мен тошкентликларни Хитой ранг-тасвир санъати асарлари билан таништириш имконияти берилганидан хурсандман,— дейди Фэн Чжи Бэнь. — Кўргазмадан сўнг ким ошди савдоси уюштириш ниятидамиз. Асарларим сотилса, улардан тушган маблағларни ҳайрия мақсадларига бериш ниятидаман. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ТЕАТРЛАРИНИНГ ЖУМҲУРИЯТ АНЖУМАНИ

НАВРЎЗ АРАФАСИДА

Ўзбекистон театрларининг бугун Тошкентда очиладиган навбатдаги анжумани ана шундай номланган. Чунки бу ижодий кўрик анъанавий халқ сайили — Наврўз айёми арафасида, қолаверса, Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон театрларининг навбатдаги халқаро Наврўз фестивали олдидан ўтказиляпти. Шу муносабат билан мухбиримиз Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси бошқарувининг раиси Бернора ҚОРИЕВА ҳузурида бўлиб, ундан анжуман, унинг иштирокчилари ва дастури ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Санъат мухлисларига яхши маълумки, — дейди Б. Қориева, — Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон театрларининг Халқаро анжумани анъанавий кўрикка айланиб, беш жумҳурият равнақига, ўзаро ижодий алоқа ва ҳамкорликларни ривожлантиришга, энг муҳими, халқларимиз ўртасидаги азалий дўстликни янада мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Бу галги Наврўз анжумани бизнинг жонажон юртда, Тошкентда ўтказилади. Биз шунинг учун ҳам фахрланамизки, беш жумҳуриятнинг навбатдаги санъат байрами республикамизга Мустақиллик ташриф буюрган тарихий кунларда ўтади!

Бундай мамнуният бизни масъулиятли анжуманни ҳар томонлама юксак савияда ўтказишга даъват этишини ҳам унутганимиз йўқ.

Шу боисдан ўз диёримизда ўтказиладиган Наврўз кўригида намойиш этиладиган спектаклни, иштирок этадиган ижодий жамоани аниқлаш мақсадида таниқли мутахассислардан, маданият мутасаддилари ва арбобларидан иборат комиссия тузган эдик. Ана шу нуфузли комиссия аъзолари республикамизда фаолият кўрсатаётган 32 театрнинг барчасига ташриф буюриб, ижодий жамоалар ҳавола қилган асарлар билан танишдилар. Комиссия олтита театрнинг олтита спектаклини Наврўзнинг жумҳурият фестивалида кўрсатиш мумкин, деган қарорга келди. Учта ижодий жамоа эса, беллашувдан ташқари қатнашадиган бўлди.

Республика кўригида қатнашиш шарафига муяссар бўлган вилоят театрлари орасида Фарғона театри ҳам бор. Шуни қувонч билан маълум қиламизки, бу театрга яқинда машҳур халқ санъаткори, миллий санъатимизнинг ривожланишига катта ҳисса қўшган унутилмас Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номи берилди. Фарғоналиклар Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон театрларининг аввал ўтган кўрикларидан бирида драматург Шароф Бошбековнинг «Темир хотин» пьесаси асосида саҳналаштирилган спектакль билан қатнашиб, Бош совринга сазовор бўлишган. Истеъдодли, изланувчан режиссёр Олимжон Салимов раҳбарлигидаги жамоанинг «Тошкентга саёҳат» деб номланган янги асари ҳам Наврўз байрамларида, беллашувларида намойиш этиладиган бўлди.

Кейинги йилларда Хоразм, Сурхондарё вилоят театрлари фаол изланишлари билан ўз мухлисларини қувонтирмоқда. Буни иккала жамоанинг республика кўригида қатнашиши факти ҳам исботлаб турибди. Ижодий мусобақада хоразмлик санъаткорлар «Жобби Жўжакнинг хийласи» (К. Авазов ва И. Ниёзов асари), сурхондарёликлар эса, «Осмонсиз уй» (Ш. Пардаев асари) спектакли билан иштирок этадилар. Қорақалпоғистон ёш томошабинлар театрининг Б. Жақиев асари асосида саҳналаштирилган «Аке тақдири» спектакли ҳам масъулиятли анжуманда намойиш қилиш учун танлаб олинди.

Ижодий мусобақада Тошкентдан иккита театр қатнашади. Булар — Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек давлат драма театри ва рус ёш томошабинлар театри. Ҳидоятовчилар Алишер Навоийнинг қутлуг 550 йиллик тўйига «Искандар» («Садди Искандарий» асосида) деган ғоятда қизиқарли, фалсафий мушоҳадаларга бой, янгича талқинлар билан ўйналган спектакль совға қилишган эди. Атоқли режиссёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Баҳодир Йўлдошев раҳбарлигида ишланган бу асар миллий театр санъатимизнинг кейинги йиллардаги йирик ютуқларидан бири, деб бемалол айта оламиз. Шундай асарлар йилдан-йилга кўпайиб борса қанийди...

Республика рус ёш томошабинлар театрининг характерли изланишларидан бири шундаки, бу ерда ўзбек тилида спектакллар кўрсатадиган ижодий гуруҳ иш олиб боряпти. Ана шу гуруҳ фестивалда «Зўраки табиб» (Мольер асари асосида) спектаклини намойиш қилади.

Спектакллар Тошкентдаги Аброр Ҳидоятов, Горький номидаги, шунингдек, рус ёш томошабинлар театрлари саҳналарида, «Илҳом» театр-студиясида томошабинлар назарига ҳавола этилади.

Ишончимиз комилки, бир ҳафта давом этадиган бу анжуман энг яхши спектаклни ва ғолиб жамоани аниқлаб бериш билан бирга, миллий театр санъатимизни янада ривожлантиришга, театр ва томошабин оралиғидаги масофани янада яқинлаштиришга, мустақиллик шарофатидан, имкониятларидан баҳраманд бўлишга интилаётган халқимизга завқ улашишдек шарафли ишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

ЯНГИ ТАРОНАЛАР

Нурулло Зокиров ва Ҳабибулла Раҳимов ўзининг бир-биридан мароқли, фалсафий мушоҳадалар ташиган, тарих ва бугунги ҳақиқат мавзуларига бағишланган асарлари билан музика санъати мухлислари даврасида танилган композиторлардир. Уларнинг кўпгина асарлари турли санъат анжуманлари ва кўрикларида бадиий жамоалар томонидан ижро этилиб, миллий музика санъатимизнинг ривожланишида ўзига хос ҳисса, деб эътироф қилингани бежиз эмас.

Яқинда Тошкентдаги «Баҳор» концерт залида ана шу ижодкорларнинг янги асарлари тингланди. Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Зоҳид Ҳақназаров раҳбарлигидаги жумҳурият миллий оркестри ижро этган бу янги тароналар ҳақида Ўзбекистон Композиторлар ва бастакорлар уюшмасининг раҳбарлари, музикашунослар, жамоатчилик вакиллари ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, Н. Зокировнинг «Туркистон» симфониясини, Ҳ. Раҳимовнинг янги симфоник поэмасини музика жамоалари дастурига ҳавола қилишди.

АХБОРОТ

МУСТАҚИЛЛИК БОҒИ

● Касби районидаги 15-совхознинг 3-агроучасткасидаги 20 гектарли мевазор Мустақиллик боғи, деб аталди.

Мевали дарахтларнинг аксариятини олма, ўрик, шафтоли ташкил этади. Боғдаги ниҳолларни хўжаликнинг Бозор Ёнғиров бошлиқ бригаданинг Ҳайдар Суюнов, Жума Абдуллаев, Раҳмат Фармонов, Хурсанд Қодиров каби пешқадам боғбонлари парвариш қилмоқдалар. Янги боғдаги мевали дарахтларнинг шу йилиёқ ҳосилга кириши кутилмоқда.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

КИЧИК КОРХОНАЛАР

● Хўжайли районидаги «Хўжайли» совхози полиз уруғчилигига ихтисослаштирилган.

Ўтган йили хўжалик жамоаси 36,5 тонна бодринг, тарвуз ва қовун уруғини тайёрлади. Ҳамма ерда бўлганидек, совхозда ҳам бозор иқтисодиёти шароитига мослашиш йўллари изланяпти. Хусусан, кичик корхоналарни барпо этишга ҳаракат қилинмоқда. Ҳозир бир кеча-кундузда 10 минг дона ғишт ишлаб чиқарадиган корхона ишлаб турибди. Бу йилдан қовунқоқи ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Цех тўла қувват билан ишга тушгандан кейин бир кеча-кундузда 300 килограммдан ортиқ қовунқоқи тайёрлаш мумкин бўлади. Бундан ташқари икки гектарлик майдонда иссиқхона барпо этилмоқда. Бундай изланишлар кўпчиликни, хусусан аёлларни иш билан таъминлашга имкон бермоқда.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБААЧИЛИК КОНЦЕРНИ

БОСМА МАҲСУЛОТЛАРНИНГ ҚУЙИДАГИ ТУРЛАРИГА

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

НАРХЛАР ШАРТНОМА АСОСИДА БЕЛГИЛАНАДИ:

— КИТОБЛАР ВА БРОШЮРАЛАР, юмшоқ муқовада, 384 бетдан ошмаган, формати 84x108 1/32, 70x108 1/32, 84x108 1/16, 70x108 1/16, матн ролли бўлган босма машиналарнинг юқори, офсет босма усулида;

— РАНГ-БАРАНГ БУКЛЕТ ВА ПРОСПЕКТЛАР, ЮМШОҚ МУҚОВАДА БОЛАЛАР КИТОБЧАЛАРИ, ЁРЛИҚЛАР, ТАКЛИФ ВА ТАШРИФНОМАЛАР ВА БОШҚА ТУРДАГИ РАНГЛИ МАҲСУЛОТЛАР, формати 60x45 дан то 90x120 гача офсет машиналарда;

— ОЙНОМАЛАР ВА БОЛАЛАР УЧУН МУЛЖАЛЛАНГАН АДАБИЁТЛАР, формати 60x90 1/8, турфалилиги 5+2 бўёқда, 2+2 бўёқда, шунингдек 84x108 1/16, 70x108 1/8, турфалилиги 4+4 бўёқда, ҳажми 384 бетдан ошмаган ҳолда ролли ва офсет машиналарда;

— эни 60 см. дан 90 см. гача, турфалилиги 4 бўёқдан ошмаган, деворга ЁПИШТИРИЛАДИГАН ГУЛ ҚОҒОЗЛАР.

— БУЮРТМАЧИНИНГ КАРТОНИДАН РАНГЛИ КОРОБКАЛАР;

Буюртмачининг қоғози бўлса, концерн маҳсулот сифати ва вақтида бажарилишига кафолат беради.

МАҲСУЛОТЛАРНИНГ ТАЙЁРЛАНИШ МУДДАТИ: матрица ва позитивлардан-1 ойгача, оригиналдан — 3 ойгача.

МЕТАЛЛДАН КЎРСАТКИЧЛАР, КЛИШЕЛАРГА БУЮРТМАЛАР ЧЕГАРАЛАНМАГАН РАВИШДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, «Правда» газетаси» кўчаси, 41-уй Мурожаат учун телефонлар: 33-80-07, 33-84-78, 33-90-50.

«ТОШКЕНТ» БИРЖАСИНИНГ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

БИРЖА ТОШКЕНТ БИРЖАСИ

1992 ЙИЛ 30 ЯНВАРЬ СОАТ 16.00 ДА «ТОШКЕНТ» ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА УНИВЕРСАЛ ТОВАР-ЖАМҒАРМА БИРЖАСИ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ

«Тошкент» Ўзбекистон Республика универсал товар-жамғарма биржаси» акционерлик жамияти бошқарувининг 1991 йилдаги иш якунларини ва жорий даврдаги вазифаларни муҳокама этишга бағишланган.

УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ ЎТКАЗИЛАДИ

АКЦИЯДОРЛАР 1992 ЙИЛ 30 ЯНВАРЬ КУНИ СОАТ 15.00 ДА ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛДА РЎЙХАТГА ОЛИНАДИЛАР: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 45-уй.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 45-91-96, 45-79-49, 45-80-45.

«АЗИЯ ТРЕЙДИНГ ИНТЕРНЕШНЛ КОРПОРЕЙШН» ЎЗБЕК-АМЕРИКА ҚЎШМА КОРХОНАСИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ (Тошкент, Ўзбекистон Республикаси), **МЕНЕДЖЕРЛАР АССОЦИАЦИЯСИ, БИРМИНГЕМ УНИВЕРСИТЕТИ** (Бирмингем, Буюк Британия)

1992 ЙИЛ 28—30 ЯНВАРДА

КИНО УЙИДА

«ХАЛҚАРО ДИПЛОМАТИЯ ВА МЕНЕЖМЕНТ УНИВЕРСИТЕТИ» ЎЗБЕК-БРИТАНИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИНИНГ

ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ ЎТКАЗИЛИШИНИ

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

ТАҚДИМОТ МАРОСИМИДАН СЎНГ АҚШ, БУЮК БРИТАНИЯ, ШВЕЙЦАРИЯ, ТУРКИЯ, ЎЗБЕКИСТОН ВА БОШҚА МАМЛАКАТЛАР ОЛИМЛАРИ ВА БИЗНЕСМЕНЛАРИНИНГ СЕМИНАР ВА УЧРАШУВЛАРИ БЎЛИБ ЎТАДИ.

Манфаатдор ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари 55-48-61, 46-70-43, 65-72-65 телефонлари орқали мурожаат этишлари мумкин.

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

1992 йил 31 январда

ХАЙРИЯ УЧРАШУВИНИ ТАШКИЛ ҚИЛАДИ

Бу учрашувга Ўзбекистон қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари, ҳамкасблар таклиф қилинадилар. ТошПИнинг қурилиш ва меъморлик куллиётларини илгари битириб кетганлар ташриф буюрсалар мамнун бўлардик.

Учрашув қуйидаги манзилгоҳда ўтказилади: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 13-уй.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Тошкент давлат техника доирилфунуни ректорати, касаба уюшма қўмитаси ташкилоти «Назарий механика» таҳсилгоҳи доценти А. Х. Мусаловга қизи

Феруза Азизовна МУСАЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат маданият олий билимгоҳи жамоаси фалсафа кафедрасининг доценти, фалсафа фанлари номзоди

Шаҳобиддин БОТИРОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ. 92-мактабнинг бир гуруҳ ўқувчи-ўқитувчилари Ҳиндистондан қайтиб келишди. Улар ҳинд тили, меҳнат, расм ва ашула дарсларида иштирок этдилар. Деҳли ва Агра шаҳарларида бўлдилар, тажриба алмашдилар.

СУРАТДА: ҳинд тили ўқитувчиси Дилором Юсупова (чапда) 9-синф ўқувчиси Зулфия Мавлонова сўзларни қандай талаффуз этаётганлигини кузатмоқда.

Р. ШАМСУДДИНОВ олган сурат (ЎзТАГ).



СПОРТ

КУЧЛИЛАР САФИДА

● АҚШнинг тоғли районларидан бирида чанғида акробатик машқлар бажариш — фристайл бўйича жаҳон кубогининг навбатдаги мусобақалари ўтказиляпти. Бу мусобақада тошкентлик Лина Червязова ҳам иштирок этмоқда. Қишки олимпиада ўйинларини орзу қилаётган бу чанғичимиз ҳозирча йигирма очко билан кучли ўнликдан жой олиб турибди.

БИЛЛУР СОВРИН БАҲСИДА

● МУСТАҚИЛ Давлатлар Ҳамдўстлиги кубоги учун 1992 — 93 йилларда ўтказиладиган баҳсда қатнашувчи футбол жамоалари ўртасида қураъ ташланди. Биллур соврин учун 22 команда иштирок этадиган бўлди. Жумладан, нимнимчорак финал учрашувлари 27-28 июнь кунлари ўтказилиб, «Навбаҳор» — «Зенит», «Локомотив» (М) — «Нефтянник» жамоалари ўзаро баҳслашадилар. Курашнинг нимчорак босқичидан бошлаб собиқ олий лигачилар ҳам майдонга тушадилар. Бу учрашувлар 9-10 август кунлари давом этади. «Пахтакор» футболчилари «Қайрат» — «Ростсельмаш» жамоалари учрашуви ғолиби билан майдонга тушадилар. Совриндорлик баҳсининг ярим финал ва финал босқичлари келаси йили ўтказилади.

Текинхўрга шафқат йўқ

ТУШОВИНИ УЗГАН «ТУЛПОРЛАР»

Ҳозир жиноятчиликнинг қайси тури авж олган, деган саволнинг изга милиция ходимлари, шубҳасиз, ўғирлик деб жавоб қайтаришади. Ўғирликнинг эса тури кўп.

Донишмандлар ҳақ гапни айтишган. «Тўғрига қўшилсанг тўғри бўласан, эгрига қўшилсанг эгри». Дарвоқе, шундай. Эгрилик ҳеч қачон яхшилик келтирмаган. Бировнинг буюмига, мол-мулкига кўз олайтириш ҳамма вақт оғир гуноҳ ҳисобланган. Тойлоқлик бир гуруҳ ёшлар ёмон иш қилиб, юзлари қора бўлди. Айни ўқийдиган, ишлайдиган даврларини бошқа жойда ўтказишадиган бўлдилар.

Худойберди Зиёдуллаев ҳамқишлоғи Ихтиёр Назаровнинг сўзига кирмай, тўғри йўлдан юрганида суднинг қора курсисида ўтирмаган бўларди. У осонгина пул топиш учун шеригининг гапига кирди. Икковлон «Ленинизм» давлат хўжалиги молхонасидан бузоқ ўғирлашиб, танишларидан бирига сотиб юборишди. Табиийки, пулни ўзаро бўлишиб олдилар. Бунгача И. Назаров бошқа шериклари билан шу хўжаликнинг биринчи бўлими шийпонидан қоровулнинг телевизори ҳамда стабилизаторини ўмарган эди.

Шу орада район ички ишлар бўлимига «Боғизағон» давлат хўжалигида ҳам ўғирлик содир бўлаётганлиги тўғрисида хабарлар кела бошлади. Оператив-қидирув ходимлари пухта ҳаракат қилишиб, тез орада ўғриликда гумон қилинган бир шахснинг изига тушдилар. Кўп ўтмай тушовини узган «тулпор» — Т. Сафаров етарли далил-ашёлар билан қўлга олинди. Қизиғи шундаки, мазкур шахс ҳарбий хизматдан қочиб юриб, фуқароларнинг мулкини ўғирлаш билан шуғулланиб келган экан. Юқоридаги жиноий ишларни очишда Тойлоқ район ички ишлар бўлими ходимлари С. Эгамов, А. Ҳамидов, Т. Рустамовлар алоҳида жонбозлик кўрсатишди.

Районда жиноятчиликнинг олдини олиш борасида милиция ходимлари кенг тушунтириш ишларини олиб боришаётир. Ички ишлар бўлими раҳбарлари тез-тез меҳнат жамоалари, ёшлар билан учрашувлар ўтказишмоқда. Бу саъйи-ҳаракатлар ўз самарасини беряпти. Бу ерда ҳуқуқбузарликлар бирмунча камайди. Сабаби, қисқа давр мобайнида қинғир ишга қўл урган қирққа яқин шахс ушланиб, суд олдида жавоб берди.

Ҳозир нима кўп, кооператив кўп. Шундай ташкилотлардан бири Тойлоқда ҳам бор. Ўтган йилнинг охирида район милициясининг иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш бўлими ходимлари Абдулло Пўлатов раис бўлган «Шаҳноза» кооперативидаги жиноятни фош этишди. Улар турли ташкилотлардан етти юз минг сўмдан знёд қарз олиб, қасддан бермай юришган эди.

Кези келганда айтиш керак, ана шундай кооператив аъзолари етказаётган зарар халқнинг елкасига оғир юк бўлиб тушмоқда. Шу боисдан ҳам ички ишлар бўлими уларни қаттиқ назоратга олганлар.

— Ёшлар томонидан содир этилаётган жиноятчилик бизни ташвишга солаяпти, — дейди район ички ишлар бўлими бошлиғи Абдусалом Ражабов. — Кўпгина оилалар фарзандлари тарбиясига эътибор бермай қўйишган. Шунинг учун ҳам ёшлар жиноят содир этишмоқда. Афсусланадиган жойи шундаки, ота-оналарнинг кўзи ана шундан кейингина очилмоқда. Улар фарзандларини қутқариб олиб кетиш учун ялиниб-ёлворишади. Лекин бундан фойда йўқ. Кейинги пушаймон — ўзингга душман, деб бежиз айтишмаган.

— Ўтган йилнинг охирларида Туркия Республикасида сафарда бўлиб қайтдим,— дея сўзида давом этди А. Ражабов. — У ерда камдан-кам ҳолларда жиноятчилик содир этилар экан. Ваҳолонки, Туркия дўконлари бизлардагидек қуп-қуруқ эмас. Савдо расталари моллар билан тўла. Ўғрилик йўқ. Турк халқи фарзанд тарбиясига ниҳоятда катта эътибор бераётгани учун ҳам ёшлар эгри йўлга киришмас экан.

Шу ўринда ички ишлар органларидаги баъзи муаммолар хусусида ҳам тўхталиб ўтиш жоиздир. 110 минг аҳоли яшайдиган районда атиги саккиз нафар участка инспектори бор экан. Албатта, бу камлик қилади. Ҳозир кўп жойларда участка инспекторлари хўжалик ёки ташкилотлар пул ўтказганларидан кейингина ишга олиняпти. Бизнингча, бу тартиб мақсадга мувофиқ эмас. Сабаби, участка инспектори ўз бошлиғидан ташқари хўжалик раҳбарларига ҳам бевосита бўйсунишга мажбур бўлиб қолмоқда. Шунинг учун, бизнингча, ички ишлардаги барча участка инспекторларини давлат тўла ўз тасарруфига олиши лозим. Ана шундагина жиноятчиликка қарши курашда улар янада самарали иш олиб бора оладилар. Тушовини узган «тулпорлар»нинг йўли эса узилкесил қирқилади.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбири.

Самарқанд вилояти.

● БУ — ҚИЗИҚ

РОБОТ СИГИР СОҒАДИ

ЛОНДОН, Рейтер агентлигининг хабар қилишича, жуда яқин вақт ичида Голландиянинг сутчилик фермаларида сигирларни робот соғадиган бўлади.

Шу янгиликни яратган ва бундай роботларни кўплаб ишлаб чиқаришга киришган «Гасконь мелотт холдинг» фирмаси вакилининг айтишича, одатдаги сут соғиш аппаратларидан фарқли ўлароқ, компьютер ёрдамида бошқариладиган робот сигирхона бўйлаб мустақил равишда юра олади ва инсоннинг ёрдамисиз жониворларни соғади. Электрон сут соғувчи ҳар бир сигирдан соғиб олинадиган сутни 15 фоиз кўпайтира олади ва унинг ижодкорлари умид қилишларича, сут чорвачилигида инқилоб қилади.

Сигирларга келганда, шуни айтиш керакки, улар ўзларининг янги «эгасини» маъқул кўришларини дастлабки тажрибалар кўрсатди. Жониворлар унга жуда тез одатланиб қоладилар, чунки у сигирларни мунтазам равишда ва ҳафсала билан соғади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. К. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. К. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб,) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: мушторийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-31-69, 32-38-05, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-36, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно-демократической партии Узбекистана.

● 367.500 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № 11.

№ 18

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 21.00 Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.